



АГРОМАСЛАХАТХОНА

ҒАЛЛА ПАРВАРИШИДАГИ ҲОЗИРГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

2011 йил октябрь ойи охиридаёқ қор-ёмғирли кунлар бошланганди. Қиш мавсуми 2012 йилнинг март ойида ҳам давом этди. Бу, ўз навбатида, ғалла парварисида қийинчиликлар туғдирди. Кўпга тадбирларни ўз вақтида ўтказишга табиий шароит имкон бермади. Янада аниқроқ қилиб айтсак, ғалла парварисидаги кечикиш юзасга келди. Ўтган йилларга таққослайдиган бўлиб, 1 апрелда ғалла майдонларининг бўйи 60-65 сантиметр бўлган. Ҳозирда эса ушбу кўрсаткич 20-25 сантиметрни ташкил этмоқда.

маъқул. Эртапишар навларни уртапишар навларга нисбатан 7-10 кун олдин озиклантириш мақсадга мувофиқ. — озиклантирилган майдонларни пешма-пеш суғориш кам меъёрга — гектарига 500-600 м³ ҳисобида «шарбат» усулида амалга ошириш. — ғалланинг бошоқлаш, дон шаклланиши ва тўлишиш босқичларининг ўтишини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитларни гектарига 150 килограмм ҳисобидан физик ҳолда озиклантириш керак. — озиклантирилган майдонларни гектарига 600-700 м³ ҳисобидан 2 марта «шарбат» усулида суғориш ишлари амалга ошириш талаб этилади. — «шарбат» усулидан фойдаланиш учун гектарига 10 тоннадан гўнг чиқариш мақсадга мувофиқдир. — ғалла экилган майдонларга техника воситаларини камроқ қиритиш, пайхоннинг олдини олиш, икτισодий самарага эришиш учун ишловни комбинациялашган ҳолда қўллаш: бунда суспензияни гербицид, биоўғит билан фунгицидларни қўллаш тавсия этилади. — иккинчи суғоришни «шарбат» усулида гектарига 1 тонна парранда гўнги билан амалга ошириш яхши самара беради.

Республиканинг асосий майдонларига экилган бошоқли дон экинлари совуққа чидамли Краснодар вулқанига мансуб бўлганлиги боис бу йилги мураккаб табиий-иклим шароитида ҳам майдонлар қишлоқдан яхши чиқди. Усимлик қулай шароит туғилганда ўсув даврининг кечиккан кунларини қисқа вақт ичида тўлдирди. Кўп йиллик кузатишлардан маълумки, қиш қанчалик узун бўлса, баҳор шунчалик тез ва қисқа келади. Аниқроқ айтганда, майдонларнинг ўсув даври учун фурсат кам бўлади. Ҳўш, бундай шароитда ғаллакорлар нима қилмоғи лозим?

Аввалло, ўтказиладиган барча агротехник тадбирларнинг тез ва сифатли амалга оширилиши талаб этилади. Баъзи фермерлар бу йил ёнғин кўп бўлди, ерда нам етарли деган ҳулосага келиб, ғалла суви беришни кечиктирмоқдалар. Баъзилари эса ғаллага етарли ўғит бердим, лекин майдоннинг ривожини йўқотди, деган фикрларни билдирмоқдалар. Хар иккала фикр ҳам тўғрига ўхшайди. Лекин ғаллакорларимиз куйидагиларни яхши билишларини истар эдик.

Биринчидан: ғалланинг ҳозирги ҳолатида унинг популяцияси ер қатламнинг 5-10 сантиметрида бўлиб, тушлаш жараёни секин кетмоқда. Ғалладан юқори ҳосил олиш учун эса илдишларнинг бундай ҳолатда туриши етарли бўлмайди. Иккинчидан: маълумки, ёмғир ва қор суви қаттиқ ишқорли намлик ҳисобланади. Ғалла экилгандан то 1 апрелга қадар ёмғир ва қор сувларининг нами остида бўлди. Демакки, ғалланинг илдишлари паст концентрацияли ишқорли намда қолди. Шу боис, усимлик илдиш тизими яхши ишламайдиган. Натяжада маҳаллий ва минерал ўғитларни секин ўзлаштирмоқда.

Апрель ойи ғалланинг ривожланиб, ҳосил тўплашида энг муҳим давр ҳисобланади. Бу пайтда усимлик бўғимлари 4-5 тага етиши, сўнгра эса найчалаш, бошоқлаш ва бошқа жараёнлар ўтади. Қиш қанча узоқ давом этган бўлмасин, баҳорда ҳароратнинг тездаёқ юқорилаб кетиши кўп бор кузатилади. Бундай вақтда бошоқли экинларни барги орқали озиклантиришнинг самараси катта. Аввалло, усимлик минерал ўғитларни илдишга нисбатан баргидан кўпроқ ва тезроқ ўзлаштира олади. Суспензиянинг самарасини ўз ичига фаолиятда қўриётган жуда кўп фермерларимиз мавсум давомида ушбу амалиётни 4 бор ўтказишга тўғри келганини кўряпмиз.

Бу ҳолатни бартараф қилиш учун зудлик билан чуқуқ сув, яъни оқар сув билан суғориш лозим. Ғалла оқар сув билан суғорилганда усимлик илдиш ишқордан ювилади. Шунингдек, ернинг пастки қатламидagi ишқорли тузларнинг концентрацияси пасасиди. Натяжада сув кўйилган майдонлардаги ғалланинг ҳолати 10-12 соатда кескин ўзгаради. Яъни

Эмгир сувига ишониб қолиш ҳам фермерларимизга панд бериши мумкин. Демокчимизки, иклимимиз ўзгарувчан. Бундай шароитда ғалла майдонларида нам микдори 75 фоиздан кам бўлмаслиги энг маъқул ҳолат ҳисобланади. Ушбу тавсияларга риоя этиш ғаллакорларимиз учун мўл ҳосил олишларида хизмат қилади, деган фикрдамыз.

Бу ҳолатни бартараф қилиш учун зудлик билан чуқуқ сув, яъни оқар сув билан суғориш лозим. Ғалла оқар сув билан суғорилганда усимлик илдиш ишқордан ювилади. Шунингдек, ернинг пастки қатламидagi ишқорли тузларнинг концентрацияси пасасиди. Натяжада сув кўйилган майдонлардаги ғалланинг ҳолати 10-12 соатда кескин ўзгаради. Яъни

Равшанбек СИДДИҚОВ, Суғориладиган ерларда ғалла ва дуққали усимликлар илмий тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЭЪТИРОФИ

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, қўшимча — «Иилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Иилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга иш берувчи энг яхши тадбиркор», «Энг яхши оилавий бизнес», «Менинг юртим — менинг ифтихорим», «Устоз-шогирд» мактабини ташкил этган энг яхши хунарманд» номинациялари бўйича аниқланган ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда мукофотлар топширилди.

жамоамизга берилган рағбат деб биланам. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, хусусан, қишлоқ мулкдорларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларнинг муҳим омилли бўлмоқда. Бугунги фермер маҳсулот этиштириш билан чегараланиб қолмай, уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқда. Натяжада қишлоққа сановатли олиб киришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, энг муҳими, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish-га салмоқли ҳисса қўшаётди. «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров ўз фаолиятини шу асосда ташкил этган. Айни пайтда хўжаликда сутни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 5 турдаги

маҳсулот чиқарилмоқда. — Фермер — қишлоқ мулкдори деймиз, — дейди «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров. — У нафақат қишлоқ мулкдори, балки қишлоқнинг энг илғор кишиси ҳам бўлиши керак. «Ташаббус» эса бизга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси. Бундай эътибор бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди. «Энг яхши хунарманд» — Фаргона вилояти Риштон туманилик хунарманд Мирзомасхар Ақромов томонидан ўттиз турдан ортиқ бежирим безаклар берилган кулолчилик маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур. — Бой тарихий меросимиз бор, — дейди «Энг яхши хунарманд» Мирзомасхар Ақромов. — Уни жонлантириш, қадриятларимизни намойиш

этиш биз — хунармандлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бунги хунаримиз қадр тоғлан замон. Бунги хунармандларнинг вакили сифатида менга берилган совринда ҳам кўриш мумкин. Юртбошимиз бизга катта ишонч билдираётган экан, биз ҳам уни оқлашимиз шарт. Кўрик-танловда бошқа ўринлар, рағбатлантирувчи совринлар эгалари ҳам ғолибдилар. Зеро, Президентимизнинг олий совринига давogarлик қилишнинг ўзи юксак шарафдир. «Ташаббус — 2012» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими санъат усталари ҳамда ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди. Анвар ҚУЛМУРОДОВ

ХАБАР

Халқаро обихаёт кўни муносабати билан ўтказилган форумда Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWWI) Стокгольм Халқаро мукофотида сазовор деб топилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Ушбу мукофот ҳар йили дунёда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, экотизим ва инсонлар ҳаётини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун соҳа олимлари, хорижалар, илмий муассасаларга бериб келинади. Эътиборли жиҳати шундаки, Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWWI) ушбу мукофотга сазовор бўлган дунёдаги биринчи халқаро тадқиқот муассасасидир. Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWWI) 1985 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг ундан ортиқ мамлакатидagi худудий идоралари орқали маҳаллий сув истеъмолчиларига сув ресурсларидан унумли фойдаланишга кўмаклашиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бериш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

▼ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида Республика оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда хабар берилди.

ро ёки йўловчи автобус, йўналишли ва энгил таксилар ёхуд юк автомобилли хизматидан фойдалана туриб, ушбу автотранспорт воситасининг қонуний ишлагаётганини оддий уяли телефонидан SMS жўнатиш орқали осонлик билан текшира олади. Бунинг учун ўша автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси сериялари билан бирга 5500 рақамга хабар

юборилса, кифоя. Агентлик лаҳзалар ичида маълумотлар базасидан ушбу автотранспорт воситасининг қайси фаолият тури билан ва қайси муддатгача шуғулланиши ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида SMS жавобини йўллайди. Бу эса автотранспорт ҳаракатлари ҳамда йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга кафолат беради. Муродулла ҒАҒУРОВ

Жиззах Вилояти ТОМОРҚА — МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ

— Айни пайтда туманимиз аҳолисида 60 минг бошдан зиёд қорамол, 120 минг бош атрофида ушоқ мол бор, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Зомин тумани бўлими раиси Пулат Тожибоев. — Туманимиз аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва тадбиркорлик билан шуғулланишади. Бугун аҳоли орасида «Бир сиқим тупроқ — бир даста пул» деган тушунча пайдо бўлгани бежиз эмас. Туманимизнинг қайси қишлоқ ё маҳалласига борманг, ҳовлисидаги кичкинагина ердан яхшигина даромад олаётган кишиларни кўрасиз.



Туман ҳокимлиги ходими Ўрозали Бердибеков ҳамроҳлигида Зомин шаҳри Кўрғон маҳалласида яшовчи Эркин Бердибеков оиласига бордик. Ҳовли саҳни 10-12 сотих атрофида. Унда бир қаричдан зиёд буй тортган кўк пивёз, саримсоқ пивёз, редиска ва турли қўжатлар кўзга ташланиб турибди. Оила бекаси Шарофатой саримсоқ пивёзларни боғ-боғ қилиб боғлаётган, оила бошлиги Эркинбой эса фарзандлари ёрдамида буйи 8-10 сантиметрча келадиган помидор қўжатлари тағига қиритилган гўнг солиб, сув тараётган эди. — Ҳар йили томорқамиздан 6-7 миллион сўм фойда оляпмиз, — дейди Шарофатой. — Бу йил помидор, баклажон, булғор қалампир кўжатлари етиштиряпмиз, бироз картошка ҳам эдик. Насиб этса, бу йил бултургидан

кўпроқ даромад оламиз. Туманда аҳолининг томорқа ерларидан унумли фойдаланишларини назорат қилувчи ишчи гуруҳи ташкил этилган. Тажрибали деҳқон, чорвадор, боғбон ва оқсоқолларидан иборат гуруҳ аъзолари томорқа сохибларини керакли уруғлик, ёқилги, маъданли ўғитлар билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш ҳамда турли тавсиялар, мутахассис маслаҳатлари беришни зиммаларига олишган. — Ана шу амалий кўмаklarимиз туфайли айни кунларда туман бозорларида сотилаётган 10 хилдан зиёд маҳсулотлар аҳоли томорқаларида етиштирилипти, — дейди ишчи гуруҳи аъзоси, туман агросаноат мажмуи касаба уюшмаси раиси Янгибой Усаров. — Ишчи гуруҳи йил давомида томорқа-

чиларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириб боради. «Агробанкнинг туман бўлими соҳани ривожлантиришга 126 миллион сўм кредит маблағ ажратди. Бу маблағ асосан томорқа хўжалиқлари учун уруғлик ва қўжатлар харид қилишга сарфланмоқда. Туман ҳокимлиги ўз томорқа хўжалиқларида энг кўп ва хилма-хил маҳсулотлар етиштирган, йил давомида 2-3 марта ҳосил олишга эришган томорқачиларни рағбатлантиришни режалаштирган. Туман аҳолиси шу кунларда 178 гектар ерда турли сабзавотлар, 72 гектар ерда картошка, 190 гектар майдонда полиз маҳсулотлари, 60 гектар ерда резавор мевалар етиштириш ишларини ҳам бошлаб юборишган. Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Тошкент Вилояти УЙЛАР ЧАРОҒОН — КЎНГИЛАР ШОД

Тасаввур қилиб кўринг-а, кечки пайт ишдан чиқиб уйингизга келдингиз. Уйда чироқ йўқ, тева-рак-атроф коп-қоронг. Беихтиёр кайфиятингиз тушиши, асабингиз бузилиши тайин. Чироқ бўлса-чи, уйингиз чароғон, туртиниби-суриниб юришлар йўқ, оилангиз даврасида шод-хуррам ўтирасиз, кечки овқатни бемалол тановул қиласиз. Бунинг учун, албатта, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланишимиз, унинг ҳақини ўз вақтида тўлаб боришимиз зарур. Ана шунда уйимиз ҳам, кўнгимиз ҳам чароғон бўлади.

тимизнинг барча худудларида, шу жумладан, Тошкент вилоятида ҳам йирик ҳажда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Вилоятнинг қатор туманларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Уларни электр энергияси билан таъминлаш ишлари аниқ чоратадбирлар асосида изчил амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилда вилоят бўйича жами 1160 та замонавий уй-жой қурилиши кўзда тутилган бўлиб, уларни электр энергияси билан таъминлаш учун қурилиш-монтаж иш-



Дарҳақиқат, кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этолмаймиз. Уйимизнинг нурашон бўлиб туришдан тортиб, мамлакатимиздаги йирик сановат корхоналарининг барқарор фаолият олиб бориши ҳам айнан электр энергиясининг узлуқсиз етказиб берилишига боғлиқ, албатта. Шу боис ҳам, мазкур тармоқ ривожини, такомиллашу-ви мамлакатимиз тараққиётида, қолаверса, ҳар бир киши ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Тошкент вилояти ўзига хос нуфузга ва юксак икτισодий салоҳиятга эга худудлардан бири. Тошкент электр тармоқлари оқиқ акциядорлик жамияти жамоаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда вилоятда электр энергияси таъминотини янада яхшилаш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошираётгани, эришилаётган ютуқлар кўлами йилдан-йилга

кенгайиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ аҳолисининг турмуш-тарзини тубдан яхшилаш, шунингдек, қишлоқлар қиёфасини бугунги кун талабларига мос равишда янгилаш борасида ю-

ри олиб боришга 1,910 миллион сўм маблағ йўналтирилади. Вилоят электр тармоқлари корхонаси

қарори ижроси бўйича туманда кўпга бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, дастурга киритилган 9 та трансформатор капитал таъмирланди, кўпга электр устунлар, ҳаво линиялари реконструкция қилинди. Ҳозирда ҳам бу борадаги ишлар қизғин давом эттирилмоқда. Амалдаги йилда туманда 55 та намунавий лойиҳа асосида уй-жой барпо этилади. Туман электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси Суннат Қодирқуловнинг таъкидлашича, мазкур уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш учун 1 километр узунликда паст қучланишли, 450 метр юқори қучланишли ҳаво линиялари тортилиб, битта трансформатор ўрнатилди. Корхона жамоасида узоқ йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислар кўпчилигини ташкил этади. Жамоа аҳлиликда иш тутиб электр тармоқларининг доимо соз ҳолатда бўлиши, бир маромада ишлаши, пировардида истеъмолчиларга электр энергиясини узлуқсиз етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Раимқул СУЯРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



